



## Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг роли янада оширилади



**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Сиёсий Кенгаши раиси

Режалаштиришнинг пухталиги ва вазибаларнинг аниқлиги самарадорлик ва мақсадга тўлақонли эришишнинг гаровидир. Шу боисдан давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимизнинг келгуси етти йиллигида қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиши, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти йўлида ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиши, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаши, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириши, жамиятимизда адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашда муҳим дастуриалмаб бўлиб хизмат қилади.



Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиши, одил судловнинг сифат ва самарадорлигини ошириши, судларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатилиши ҳамда маъмурий адолат тизимини янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

## Ҳаммаси инсон манфаатларини таъминлаш учун

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари



Хусусан, маъмурий судларга бевосита мурожаат этишга тўқинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиши, судга қадар бошқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириши ўз ифодасини топганки, бунинг жуда тўғри қарор, деб биламиз.

Ҳужжатда, шунингдек, адвокатура институти салоҳиятини тубдан ошириши, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш мақсадида ушбу институтни ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳамда унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан чинакам мустақиллигини таъминлаш вазифаси акс этди. Бу ҳам, ўз навбатида, ИНСОН ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш жараёнида адвокатура институтининг роли ва ўрнини оширишга хизмат қилади.

Ушбу ҳаётини ҳужжатда адвокатлар сонини камида 2 минг нафарга кўпайтириши, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича адвокатлар ҳамда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви даражасини камида 50 фоизга етказиш ҳам ифодаланганки, буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга замин яратади.

Умуман олганда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек масалаларнинг ушбу ҳуқуқий ҳужжатда акс этаётгани юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мутлақо янги босқичга чиқишига, мазкур йўналишда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни янада кўтарилишига хизмат қилади.

## Эртага нима бўлади?

Ҳар йили шу пайтга келиб босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ва журналистларнинг юрагига ғулғула туша бошлайди. «Охири қандай яқун топаркин?» деган ўй-хаёллар тинчлик бермайди уларга. Айтиш оғир бўлган гаплар кўнгилдан кеча бошлайди: «Газетани ёпамизми?» «Хайрлашамизми?» «Тарқаламизми?..»



## КИТОБ ўқимаслик касали

Ишонасизми, олий ўқув юртига ҳужжат топширган йигитча ўн бир йил давомида битта ҳам бадий китоб ўқимганини тан олди.



## Ғофирдан Мирзо Улуғбеккача

Шукур Бурҳонов билан илк танишувимиз қизиқ бўлган.



# Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг роли янада оширилади

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 30 апрелида ўтказилган Умумхалқ референдумида халқимиз томонидан яқдиллик билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция ва мазкур халқ Конституцияси асосида ўтказилган илк Президентлик сайлови, шунингдек, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларимиз жараёнида орттирилган бой тажриба, қолаверса, фуқароларимизнинг хоши-истаклари, таклифлари асосида ишлаб чиқилган ушбу дастурий ҳужжат 5 та йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсадни қамраб олганлиги билан ҳам мамлакатимизнинг келгуси ривожига катта ҳисса қўшади. Бу йўналишлар "Адолат" социал-демократик партияси дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг.

"Адолат" СДП учун олий қадрият, бу – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир. Стратегияда аҳолининг ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш, 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга камайтириш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш каби мақсадларнинг алоҳида белгиланиши инсон қадри учун таъминланган амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга партияни илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривож – тараққиётимиз кафолати, деб ҳисоблайди. Сифатли таълим, шубҳасиз, бахтли ва фаровон келажак кафолатидир. Ҳозирги кунда ривожланган давлат мақомига етишиш учун аҳолининг билим савиясини ошириш ва дунёқарашини талаб даражасида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Стратегияда болаларни мактабга таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, "Топ-500"га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камда 50 та кўшма таълим дастури асосида "икки дипломли тизим"ни жорий этиш каби мақсадларнинг белгиланиши ҳам ушбу ҳужжат қамрови нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Матълумки, "Адолат" социал демократик партияси доимий равишда коррупциядан холи жамият қуриш йўлида халқимиз билан биргаликда ҳаракат қилиб келмоқда. Стратегиядаги бу мақсадлар аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муроғасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига "Тоза кўллар" сиёсатини сиғдириш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадлари ҳам мамлакат тараққиётида устувор аҳамиятга эга.

"Адолат" социал-демократик партияси барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтириш тарафдоридир. Биз аънанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаймиш. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича "Ижтимоий давлат – 2030" дастурини ишлаб чиқиш таклифимиз инobatга олингани ва қабул қилинган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясидек муҳим ҳужжатдан ўрин олгани партиядошларимизни қувонтирди.

Жумладан, стратегияда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали мамлакатимизнинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, фуқароларимиз учун қўлай экологик турмуш шароитларини яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатимизнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафо-

латли таъминлаш каби эзгу мақсадлар асосий гоғлар сифатида белгиланди.

Аҳамиятлиси, Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги келгусида ҳам миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий фаолигини ошириш ва шу орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу дастурий ҳужжатда парламент ва унинг органлари иш жараёнини рақамли трансформация қилиш, шу жумладан, улар томонидан қарорлар қабул қилиш ва эълон қилиш жараёнларини 100 фоиз рақамлаштириш, сайловчилар билан электрон мулоқот қилиш, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат қилиш имкониятини таъминлаш, қонунчиликка оид таклифларни киритиш ва қўриб чиқиш тартибини жорий қилиш, қолаверса, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида вакиллик органларига сайловнинг аралаш (мажоритар-пропорционал) тизимини жорий қилишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларнинг белгиланганлиги ҳар жиҳатдан аҳамиятли бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, "Адолат" СДП ҳам бир неча йиллардан буён ўз дастурий-мақсадларида парламентаризмни ривожлантириш, парламент демократиясининг замонавий институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида вакиллик органларининг ролини кучайтириш, депутатларнинг сайловчилар ва партия олдида масъулиятини ҳамда ҳисобдорлигини ошириш, депутатлар фаолиятини халқ билан узвий боғлаш мақсадида "Электрон парламент" ва "Электрон ҳукумат" дастурларини илчил амалга ошириш, фуқаролар ва барча даражадаги вакиллик органлари ўртасида доимий мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш гоғларини илгари суриб келмоқда. Ушбу ўринда мазкур гоғлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада жадал шакллантириш ва ривожлантириш билан биргаликда, ушбу йўналишдаги замонавий халқаро тенденцияларига тўла жавоб беради.

Бугунги кунда сайловнинг аралаш (мажоритар-пропорционал) тизими жаҳоннинг Германия, Болгария, Грузия, Литва, Италия каби мамлакатларида самарали қўлланилиб келинмоқда. Қолаверса, парламент ва унинг органлари иш жараёнини рақамли трансформациялаш, ушбу соҳага замонавий, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, қонун ижодкорлиги ва қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш билан бир қаторда, сайловчилар билан фаол мулоқот олиб бориш, депутатлар иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш имконини яратлади.

Шунингдек, стратегияда аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим, илм-фанини юксалтириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фуқароларимизнинг сифатли, маалаки тиббий хизматлардан тўлақонли фойдаланишини таъминлаш, тиббиёт ва педагог кадрларнинг мақомини мустаҳкамлаш каби партияимиз гоғларига ҳамоҳанг, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига дахлдор масалалар ўз ифодасини топган.

Мухтасар айтганда, бугун фуқароларимиз орзу-истакларидан, замон талабидан келиб чиқиб, пухта ўйланган режалар асосида аниқ вазифалар белгиланди, энди улар қозғода эмас амалиётда, халқимиз ҳаётида бўй кўрсатмоғи лозим. Бунинг учун барчамиздан юксак масъулият ва халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз талаб этилади.

Жорий йилнинг 30 апрелида Умумхалқ референдуми орқали Бош қомусимизнинг янги тахрири маъқулланди. Бу билан Янги Ўзбекистон тараққиётида туб бурилиш ясалди, деб баралла айтиши мумкин. Несаки Конституция барча муваффақиятларимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий рақибнинг ҳуқуқий асосидир.

Президентимиз 2023 йил 11 сентябрда имзолаган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги фармони амалга ошириладиган ислохотларимизнинг кўламини кенгайтириш баробарида яқдилан-янги ташаббусларга тўртки бўлади.

Зеро, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси бир неча муҳим йўналишларда амалга оширилади.



Наримон УМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

# "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИ янги муваффақиятларга замин яратади

Айниқса, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришиш, иқтисодийнинг асосий драйвери бўлган тadbirkorлигини янада ривожлантириш, ижтимоий соҳада ислохотларни "инсон манфаати энг улғ мақсад" тамойили асосида амалга ошириш каби масалалар устувор этиб белгиланмоқда.

Стратегиянинг жорий йилнинг ўзидаёқ амалга оширилиши ислохотларнинг суруятини янада тезлаштиришга хизмат қилади. Президент қарорларига асосан, жумладан, стратегиянинг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда аҳолига янада қўлайлиқлар яратиш ва ортиқча сансалорликларга барҳам бериш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда автоматотранспорт воситасининг олди-сотида шартномалари ва бошқа нотариал тасдиқланган битимларни "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилди ва ариза берувчилардан мазкур ҳужжатларни талаб қилиш тақиланди. 2024 йил 1 мартдан эътиборан эса нотариал идорага келмасдан, шу жумладан, чет элдан туриб, мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ битимларини (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа орқали расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Қолаверса, 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилиши маҳалла институ-

тини янада такомиллаштирилади. Бунда туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилади. Ташаббусли бюджет амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 10 триллион сўм ажратилиб, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилади.

Бундан ташқари, 2024 йил якунига қадар қонунда белгиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласи алоҳида тергов судьялари томонидан қўриб чиқиш тартиби жорий этилади. Tadbirkorлик соҳасида жавобгарлигини янада либераллаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб биринчи марта жиноят содир этган шахсини, агар у суд маспахатхонага киргунига қадар солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиш, тadbirkorлик субъектларига нисбатан кўзга-тилган ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ҳамда суд жараёнида тегишли мансабдор шахс жиноят иши материалларини иш юритувига қабул қилган вақтдан бошлаб тadbirkorни ҳимоя қилишга Бизнес омбудсман, Савдо-саналар палатаси, шунингдек, тadbirkorлик субъекти аъзо ҳисобланган бошқа ташкилотни жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиш (хабар қилиш) тартиби жорий этилади.

Яна бир гап. "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг қонун устуворлигини

таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий тadbirkor режаси, 2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳамда 2023 йилда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати тасдиқланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, парламент аъзоси сифатида фармонда белгиланганидек, болаларни мактабга таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, 100 фоиз мактабга таълим ташкилотларини тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш, умумий ўрта таълим муассасаларини тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена, инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш, 700 га яқин номдаги янги дарслиқлар, машқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар яратиш, янги авлод дарслиқлари асосида планшетлар учун 1 000 та мультимедиа дастурларини яратиш, таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар "тил эгалари" бўлган хорижий мутахассисларни жалб этиш сингари вазифалар қайд этилган эътирофга молик.

Албатта, мазкур эзгу ишлар жараёнида парламент аъзоларининг бевоқиф вазиёси, биринчи навбатда, режалаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда жойларга чиққан ҳолда маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда мазкур тadbirkorнинг бахарилишини таҳлил қилиш ва мониторингини тизимли ташкил этиш ҳисобланади. Айни масъулиятли вазифани бекаму кўст адо этишимизга ишонаман.

# ҲАЁТИМИЗГА ЯНГИ МАЗМУН БАХШ ЭТАДИ

Мамлакатимиз жаҳон саҳнасида ўз мустақил тараққиёт йўлига эга давлат сифатида етакчилар сафида илдамлаб бормоқда. Албатта, бу етакчилик асосида мамлакатнинг ўз олдида белгилаб олган қатъий мақсади, ривожланиш принциплари ва уларни амалга оширишдаги жонбозлиги муҳим ўрин тутди.

Мамлакат тараққиётининг асосий омилларидан бири – ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратилаётганидир. Зеро, кучли ижтимоий ҳимояланган мамлакатгина кўзланган мақсадга эришади.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қароридан илгари суриладиган ҳаётбахш гоғларни бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлантиришда ҳам айнан шу мазмун-моҳият мужассам. Мазкур ҳужжатларда аксини топган оқилона, инсонпарвар сиёсат, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг сўзсиз ижроси йўлидаги дадил қадамлар, яқин келажакда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, аниқ мақсад ва вазифалар инсонлар ҳаётига янгича мазмун бахш этиши шубҳасиз. Тан олиб айтиш керакки, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, жамиятни янада ривожлантириш мақсадида аҳолининг таклифлари, талаб ва эhtiёжларини эътиборга олган ҳолда қабул қилинган ушбу ҳужжат одамлар қалбига эртанги фаровон келажакка бўлган қарашларни ўзгартириб юборди.



Муҳиба БАБАБЕКОВА, "Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси

Биргина мисол. Онкогематологик касалликларга чалинган болалар учун алоҳида марказ, гематопозтик суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси амалиёти жорий этилиши, вирусли гепатитнинг "С" тури билан касалланган беморларни ҳамда гематопозтик суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси муолажасига муҳтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисо-

бабар олиш мақсадида филиалга борганимизда, болажонлар билан уларнинг олам-олам орзулари ҳақида суҳбат курдик. Фарзандига кўз ёшини сездирмасдан ичидан эзилиб йиғлаган оталарни, кўз ёши юзини юваётган оналарни кўриб Оллоҳдан уларнинг дардига шифо сўрадик. Айнан ушбу ҳужжатда мени қувонтирган ҳолат гематопозтик суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси муолажасига муҳтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволашни йўлга қўйилиши қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб қўйилгани бўлди.

Энди вилоятимиздаги ушбу филиалда даволанаётган, айни пайтда шундай муолажага муҳтож бўлган 8 нафар болалар ҳам давлат томонидан тўлиқ муолажа олади. Бу имтиёзлар бемор фарзандини юзига термулиб, ўзи ҳам еб-ичишини унутган ота-оналар учун, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ногиронлар учун катта аҳамият касб этади. Бу яратилаётган имтиёзлар замирида давлатимизнинг ўз фуқароларига гaмхўрлиги, қўллаб-қувватлаши бирламчи мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида биринчи галда ижтимоий манфаатлар устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган. Биз мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши тарафдори бўлиб, ижтимоий йўналишдаги гоғ ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиш. Халқнинг, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун ҳаракатдамиш. Демакки, халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида амалга оширилиши зарур бўлган мақсадларнинг аниқ ечимини ва мақбул усулларини ўзида ҳамлаган ушбу ҳужжатнинг ҳаётга жорий этилишида, ижросини таъминлаш йўлида ислохотларга камарбаста бўлиб, сиёсий қатъият, ҳозиржавоблик ва бирдамлик билан ҳаракат қиламиш.

# ЮРТ РАВНАҚИНИНГ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармон ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор Янги Ўзбекистон шароитида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни илчил давом эттириш, соҳа ва йўналишларни янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан улкан аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қўлай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлат барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган.

Бугун иқтисодий тармоқлари жадал ривожланиб, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилиб, катта ўзгаришларга юз тутаятган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ижтимоий сиёсий ҳаётида «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган ҳар бир вазифа Республикаимизнинг келгусидаги тараққиётига, халқ фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Нурлибой ҚАЙБЕРГЕНОВ, "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

рига татбиқ этиш қишлоқ ҳўжалигининг барқарорлигини таъминлашга, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилади.

Стратегияни ҳаётга татбиқ этишда «Адолат» социал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳам камарбаста бўлади. "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган ҳар бир вазифа партияимиз электоратида атрофлича муҳокама қилинади, бу борада олдимизда турган вазифаларнинг ижросини таъминлаймиш.

# Соғлом инсон — мамлакат бойлиги

Тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъмат. Зеро, фақат соғлом инсон ва халқ мислсиз ишларга қодир бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳаётдан, бугунги давр ислохотларидан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётди.

Тиббиётдаги ислохотлар натижасида сўнгги етти йилда нейрохирургия йўналиши ҳам катта ўзгаришларга юз тутди. Хусусан, илгари фақат республика марказида бажариладиган жарроҳлик ва даволаш амалиётларининг қарийб 40 фоизи юртимизнинг 14 та ҳудудида жорий этилди.

Нейрохирургия хизматининг кўлами ва ҳажми, тиббий хизмат сифати вилоятларда орғиб бораётгани, маҳаллий мутахассисларнинг ёш болаларда бош мия нуқсонларини юқори технологик жарроҳлик амалиётларини мустақил равишда бажариши бунга яққол мисолдир.

Қувонарлиси, бугун марказлар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, турли нейрохирургик касалликларга чалинган беморларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан нейрохирургия йўналиши бўйича ёш мутахассисларнинг хоризжда малака ошириши фаол қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ёш шифокорларга замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиб, кейинчалик олган тажрибаларини Ўзбекистон тиббиётига татбиқ қилишга имкон беради.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида охириги 6 йилда ўтказилаётган юқори технологик жарроҳлик амалиётлари сони 2018 йилга келиб 9 955 тага, 2022 йилда эса 12 277 тага етди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз тиббиётига тараққиётда янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур ҳужжат асосан нейрохирургия бўлимига замонавий техник ускуналар билан таъминланди.



Мавлудахон АДҲАМЖОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

2022 йилда ҳудудларда 223 та аҳоли пунктларида ўтказилган тиббий кўриқларда 975 нафар бемор аниқланиб, уларнинг 114 нафарида жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Бажарилган юқори технологияли амалиётлар улуши 48 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, 9 та янги жарроҳлик амалиётлари ўзлаштирилди. Жумладан, эпилепсия, бош мия фалажи, инсультнинг олдини олиш ва ўткир даврида даволаш, болаларда ретинобластома каби онкологик касалликни қон томир орқали химиотерапия ўтказиш, бош мия ўсмаларини беморларни уйғоқ ҳолатида ўтказиш ва бошқа турдаги жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, 100 нафардан орტიқ нейрохирург-шифокорлар хоризжининг турли мамлакатларидан Ўзбекистонда маҳорат дарслари ўтказиш ва конференцияларда қатнашиш учун келди. 108 нафар мутахассис ўз иш жойларида, 20 нафар мутахассис марказда, 15 нафар мутахассис хоризжда юқори технологик амалиёт учун қайта тайёрланди.

Телетиббиёт орқали ҳудудларда

ҳар йили 30 га яқин масофавий тиббий маслаҳатлар ташкил қилиниб, беморларга яшаш жойида даволашни имконияти яратилди. Вилоятларда болалар нейрохирургияси учун 58 та ўрин ажратилди. Тиббий буюмлари ва дори воситалари билан таъминлаш 99 фоизни ташкил этди.

Ушбу ўзгаришлар республиканинг барча ҳудудларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, нейрохирург врачларнинг ўз мактабини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш соҳасида мамлакатда илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш имконини берди.

Нейрохирургия соҳасини ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда мазкур йўналишда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди. Асосийси, беморлар Ўзбекистоннинг ўзда тажрибали мутахассислардан малакали ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Дунёни кўз нури билан англаш, идрок этиш инсонга берилган бебаҳо неъмат. Сабаби, инсон дунё лаззатларини сезги аъзолари орқали идрок этса, бу ёруғ оламни кўз орқали кўради. “Мен барча қадрли нарсаларимни кўз қорачушимдек асрайман” деган гапнинг замирида ҳам чуқур маъно бор.

Аммо ҳаётда тугма нуқсонли сабабли ёки бирор касаллик асоратлари, ёхуд эҳтиётсизлик оқибатида кўриниш имкониятини йўқотган инсонлар ҳам учрайди.



Махфират ХУШВАҚТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# Тиббий хизмат сифати ошмоқда

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тиббиётини соҳасида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири айнан аҳолига кўрсатилаётган офтальмология соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлгани кишини қувонтиради.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдаги тегишли қарори билан юртимизда офтальмология йўналишида бошланган ишларни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат ижросининг ҳаётимизга татбиқ этилиши натижасида Республикада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, шу жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб йўналишларда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва юқори малакали врачлар билан тўлдирилган марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган офтальмология хизмати сифатини ошириш мақсадида 2018-2022 йилларда Республика иттиҳослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказига 4,5 миллион АҚШ доллари қийматидagi 145 та юқори технологик тиббий ускуналар олиб келиниб, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Натижада 49 турдаги офтальмологик касалликларни даволаш бўйича 172 турдаги тиббий хизматлар кўрсатишга, кўз микрохирургияси марказида дунё андозаларига мос равишда жарроҳлик фаоллиги 99,4 фоизга етишига эришилди. Ўтказилаётган юқори технологик жарроҳлик амалиётлари сони аввал йилига 10 000 га етмаган бўлса, 2022 йилда 16 000 дан ортиқ операция бажарилди.

Албатта, бугун тиббиёт ривожини нафақат замонавий, юқори аниқликка эга бўлган асбоб-ускуналар, шу билан бирга, кадрлар салоҳиятига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис, 2018-2022 йилларда ушбу соҳа мутахассисларининг 50 нафари Франция, Туркия, Арманистон, Австрия, Қозғоғистон, Латвия, Корея, Россия каби давлатларда малака ошириб келишди. Россия,

Туркия, Исроил, Ҳиндистон, Хитой давлатларидан 20 нафар хоризжий мутахассиснинг Марказга ташириш давомида 1 000 дан ортиқ мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Ушбу ўзгаришлар фақат марказнинг ўзи билан чекланиб қолмай, унинг ҳудудлардаги деярли барча филиалларида катаракта жарроҳлигининг “Олтин стандарти” катаракта фактомусификация, кўз олмасининг олди ва орқа қисмидаги барча турдаги лазер жарроҳликлари усуллари, оптик когерент томография, ултратовушли биомикроскопия, диагностика усуллари кенг жорий қилинди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Бухоро филиалларида илк бора кератопластика ва витреоретинал жарроҳлик усуллари амалиётга жорий этилди. Навоий вилоятидаги филиалда илк бора кўз олмасининг олди ва орқа қисмидаги лазер жарроҳлик усуллари ва асоратли катаракта сунъий кўз гавҳарини кўз склерасига тикиш амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Офтальмология хизматини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган “ISUZU” русумидаги автобуслар негизидa 13 донa мобил поликлиника ташкил этилди ва 5 хил замонавий офтальмологик ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мобил поликлиникалар ҳудудий тиббиёт бошқармалари билан келишган ҳолда режа асосида шаҳар ва туманларга, ишлаб чиқариш корхоналарига чиқиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига кўрсатилаётган офтальмология хизмати сифатини яхшилаш борасидаги ишлар мисолида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида эришилаётган натижаларни бугун минглаб беморлар ўз ҳаётларида ҳис қилаётди. Энг муҳими, юзлаб оилалар ўз фарзанди ё яқинини даволатиш учун мисқоллаб маблағ йиғиб, ортиқча оворагарчиликлар билан хоризжга бормасдан, шу ернинг ўзида ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланимоқда.

## Депутатлик гуруҳларида

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллик шодийнасини барча соҳа ходимлари қатори “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши жамоаси ҳам кўтаринки руҳда нишонладилар. Партиядан сайланган 96 нафар вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг барчаси ўзларига билдирилган юрак шонч йўлида ҳамisha халқ билан юзма-юз мулоқотда, бир сўз билан айтганда, чин маънода фуқароларнинг кўмакчиси сифатида уларнинг энг яқин шончли вакилига айланиб улгуришди.

# Мақсадимиз ягона: ҲАР БИР САЙЛОВЧИ БИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН!

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,  
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Қувасой шаҳар кенгаши депутати Музаффар Меҳмонов ўз сайлов округида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг яшаш шароити билан билан яқиндан таниш. Депутат ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига бош-қош, янги иш бошлаётган тадбиркорларга елкадош. Шу билан бир қаторда, маҳаллалардаги ижтимоий кў-

ватлайди, уларнинг ҳаётдан манун бўлиб яшашларига шароит яратишга интилади.

Шаҳардаги “Кокилон” МФЙ, “Дехқон-обод” кўчаси, 45-уйда яшовчи Ҳафизахон Юсупова яшаш хонадонини нураб кетгани боис уй таъмири борасида амалий ёрдам кўрсатишларини сўраб мурожаат қилганидан сўнг Кенгаш котибияти ва

кўмак кўрсатиш ишлари баробарида жамоиятда илм-фан, санъат, маданият тараққиёти йўлида янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш йўлида тинмай илзланади. Депутат ана шундай эзгу мақсадларини амалга ошириш йўлида Вазирилар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фаол олимпиадаларни ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хоризжий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 27-мактабининг энг иқтидорли ўқувчиларидан бири бўлган 11-синф ўқувчиси Зарифжон Абдувалиевнинг информатика ва ахборот-технологияларига бўлган қизиқишини инобатга олиб, ўқувчини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлади. Бу эътибордан руҳланган Зарифжон танловнинг вилоят босқичида нуфузли ўринни кўлга киритди. Депутат Музаффар Меҳмонов ўқувчининг ютуқларини бардавомлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида унга компьютер жамланмасини совға қилди.

Шаҳарнинг “Кокилон” МФЙ ҳудудидаги 8-умумтаълим мактабида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси бўйича таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бир вақтда спорт залини таъмирлаш ва спорт жиҳозлари учун маблағ масаласи муаммога айланди. Депутат Музаффар Меҳмонов бу борада мактаб жамоасини ёлғизлатиб қўймади. Ҳомийлик асосида

спорт залини таъмирлаш ишларига кўмаклашиш билан бир қаторда спорт залини барча зарурий жиҳозлар билан таъминлади. Депутат кўмагидан мактаб жамоаси миннатдор. Ўқувчи ёшларнинг эса қувончи чексиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Қувасой шаҳри марказида яна бир замонавий қиёфадаги оилавий поликлиника бунёд этилди. Ҳудуд аҳолиси ораюсидаги мазкур маскан халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутатлари, депутатлик гуруҳи раҳбари Музаффар Меҳмонов ташаббуси ва саяё-ҳаракатлари билан куриб битказилиб, зарур жиҳозлар билан жиҳозланди. Барча шарт-шароитларга эга мазкур замонавий оилавий поликлиника шаҳардаги “Ҳамид Олимпжон” ҳамда “Алишер Навоий” номи МФЙлар ҳудудида истиқомат қилувчи 40 мингга яқин аҳолига беминнат хизмат кўрсатади.

Субҳонали Нишоновни адолатпарварлиги боис нафақат Сўх туманида, балки вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам яхши танишади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс



конструкция қилиш белгиланган эди. Бу ишлар “Янги авлод” МЧЖ томонидан ўз муддатида ва сифатли амалга оширилганидан сўнг депутат Субҳонали Нишонов ўз ваколати доирасида депутат назоратини ўрнатиб, юқори турвчи ижро органларига мурожаат қилди. Туманга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Рама-

йўл инфратузилмасини, айниқса, ички кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ижтимоий объектларни куриш халқимиз яшаш шароитини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ишлардир. Бу борада халқ депутатлари Сўх туман кенгаши депутати Раҳмонли Бобоев кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, “Девайрон” МФЙ кўчалари асфальтлаштирилиб, оқва сув учун Теракзор кўчасида 400 метр лотоклар ётқизилди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Аҳрорбек Эркабоев ташаббуси билан “Оқбилот ота” қабристонига ҳомийлар кўмагида миллий ва замонавий меъморчилик талабларига кўра таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Кенгаш депутати Дилрабо Узоқова ҳамisha халқ хизматиде. “Ҳўжақишлоқ” МФЙ Ифтихор кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари электр таъминотидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан йўллаган мурожаатлари депутат назаридан четда қолмади. Ўз сайлов округида юзага келган ҳар қандай муаммо борки, барчасини қисқа фурсатлар ичида самарали ҳал этишни одат қилган Дилрабо Узоқова мазкур масала юзасидан тезкор ўрганиш ишларини олиб борди ва натижада ҳудудга янги трансформатор олиб келиб ўрнатилди.

“Адолат” СДП депутатлари “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шioriга таянган ҳолда ягона мақсад йўлида бирлашган катта жамоа. Мақсад ягона: ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсин.



макка муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг ҳеч бирини назардан четда қолдирмайди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган, ногирон, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларни доимо қўллаб-қув-

депутат Музаффар Меҳмонов фуқаро мурожаати бўйича ўрганиш ишларини олиб борди ва Ҳафизахон Юсупова хонадонида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Кенгаш депутати аҳолига ижтимоий



ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш учун бюджетдан зарурий маблағ ажратилди. Президент қарориде туманининг “Офтобру”, “Тул”, “Хушёр”, “Қақир”, “Қарир-Себзор”, “Сариканда”, “Ҳазрат Али”, “Равон”, “Янги-ариқ”, “Навобод”, “Ленбург”, “Қалача”, “Ҳазнов”, “Сўх”, “Чашма”, “Демурсад”, “Шарқобод” МФЙлари ҳудудида яшовчи 59 минг нафар аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 274 км. ичимлик суви тармоғини тортиш, 30 та ичимлик суви иншоотини куриш ва ре-

тов таширидан сўнг депутат мурожаатида кўтарилган масалалар атрофлича ўрганилди. Шу кунларда Сўх аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари сифатли амалга оширилаётганидан хурсанд. Қолаверса, депутат саяё-ҳаракатлари билан туманининг “Ҳақиқат” кўчасида яшовчи Сарвара Аюбовага МФЙ маъмурияти томонидан икки хонадан иборат уй-жой курилиб, фойдаланишга топширилди.



# ЭРТАГА

# НИМА

# БЎЛАДИ?



**Муҳиддин ОМАД,  
Ўзбекистон  
журналистлар  
уюшмаси аъзоси**

*Дунёда шундай бир касб эгалари борки, улар ором нима билишмайди, дам олиш кунлари йўқ, ҳатто байрамларда ҳам одамлар орасида куймаланиб юришади, халқ ва Ватан қайғуси, шодликлари ва ютуқлари улар учун ҳамма нарсадан муҳим. Уларни исқуварлар ва қутқарувчиларга ўхшатаман. Улар еру осмон орасидаги барча мавзеводларни севадилар, эъзозлайдилар. Истиқлол, тинчлик ва хотиржамлик улар учун ҳамма нарсадан азиз.*

Қалам ва қоғоз улар учун яратилган. Улар танлаган касбларидан кўнгил узиб кетолмайдилар. Улар Яратган измидаги қалам тутган лашкарларга ўхшайдилар. Уларга бойлик, амал, мартаба керак эмас. Улар ҳеч қачон ўз ишларидан қониқмайдилар. Ҳар куни янги бир мавзу излайдилар, улар фидойий қаҳрамонларни мадҳ этидилар, кундалик тарихни саҳифаларга муҳрлайдилар, ҳар куни сўз орқали бир кашфиёт яратадилар. Ушбу фазилятлар ижодкорларга тегишлидир! Ана шу ижод аҳли орасидан ЖУРНАЛИСТ номини олган фидойилар етишиб чиққан. Улар учун газета ва журналлар ижод майдони вазифасини ўтаб келмоқда. Не-не журналистлар бу майдонда тобланиб, машҳурлик даражасига кўтарилганлар.

Газета пайдо бўлгандан бошлаб одамлар онгида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юзга кела бошлади. Аввалда юртимизда жадид боболаримиз газета орқали илғор ғояларни илгари суриб, мустабид тузум сиёсатига қарши кураш олиб борган, истиқлол ғояларини илгари сурган эдилар. Чор Россияси мулозимлари улардан ҳайиқиб, ҳадиксираб, йўлига тўғаноқ бўлиб, газеталарни ёпиш, тугатиш, ижод аҳлини, ноширларни сургун қилиш, қатл этиш билан машғул бўлди. Лекин газеталар яшаб қолди. Шўролар тузуми даврида эса газеталар катта сиёсий куч сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Мазлумларнинг онгу шуури шўро ғоялари билан ўраб, чирмаб ташланди. Содда ва бегарас халқ оч-наҳор, юпун ҳаёт кечирса-да, шўро сиёсатига тобе, таслим бўлиб яшади. Сиёсий кучлар ўз ғояларини газеталар орқали инсонлар онгига, қон-қонига синдира

олди. Ҳар бир ташкилот-муассаса идорасидан тортиб, дала шийпонлари, ўтовларга қадар кундалик газета-журналлар кечикмай етиб борар ва халқ уларни мутулаа қиларди. Бора-бора ўқиш кўникмаси пайдо бўлган халқ ўз ихтиёри билан газета-журналларга обуна бўла бошлади. Иш шу даражага бориб етдики, матбуот нашри дастурхон четида турмаса, одамларнинг томоғидан овқат ва сув ўтмайди-ган бўлиб қолди. Газеталар раҳбарлар столи устида, раҳбарчалар қўлтиғи остида, ишчилар этикларини кўнжиди бўлиши урф бўлди. Бу ўша давр сиёсатчиларининг газета орқали халқ устидан ҳукмронлик қила бошлаганлигининг белгиси эди. Партия назорат органлари бу масалага жиддий қарар, кузатар ва сўров ўтказар, газетадаги ҳар бир сўзни синчиқлаб ўрганар, камчиликларга баҳо берад, айбдорларни жазолар эди.

Мустабид тузум қусурларини ҳисобга олмаганда, ўша даврдаги оммавий ахборот воситаларининг халқ қўлига етиб бориши ижобий ҳол эди. Чунки халқнинг катта қатлами – ёшлардан тортиб кексаларга қадар сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий, илмий-тарихий ҳаётдан газета орқали доимо хабардор бўлиб турарди.

Чиндан ҳам газета қайси пайтда бўлмасин, қайси сиёсатга хизмат қилмасин, барибир, инсон онгига илғор ғояларни сингдириш, ҳақ-ҳуқуқини, бурчини аниқлаштириш, ақлини чархлаб, дунёқараши шакллантириб боришга хизмат қилган. Матбуот бир ҳисобда бадий, илмий, тарихий китоблар ўрнини босишдек вазифани ҳам ундалаган. Аслида инсон миясининг фаоллигини ошириш учун ҳам, ҳар қандай замонда ўқиш

муҳим ўрин тутари. Инкор этиб бўлмас ўқимасликда аллақачон тиббиёт ҳам тасдиқлаган.

Бугунги кунда ёш авлодни китоб ўқимасликда айбляпмиз, бироқ бунинг сабаби уларнинг ота-оналари билан боғлиқ эканидан хабардор бўлсак-да, негадир бунга эътибор қаратмаяпмиз. Аҳolini ўқишга даъват этишининг осон йўли матбуотга ошно қилиш. Чунки турлашган, хилма-хиллашган матбуот ҳар бир ўқувчининг ақлий иштаҳасини қитқилайди-ган мазани етказиб бериш имконига эга. Бироқ негадир газеталар халқ дастурхонини ёнидан жой эгаллай олмаяпти.

Мустиқликкача бўлган уйғониш йилларида ва мустиқликнинг илк даврида оммавий ахборот воситаларига бўлган талаб озик-овқатга бўлган талабдан бир неча баробар ортиб кетганди. Жа-вонимда сақланиб қолган газета-журналлар мисолида далиллар келтираман. «Шарқ юлдузи» журна-ли (1987 йил, 1-сон. Бош муҳар-рир Ўткир Ҳошимов) адади – 168 432 та, «Ёшлик» журна-ли (1988 йил, 5-сон. Бош муҳаррир Омон Матжон) адади – 345 362 та, «Ёш куч» жур-на-ли (1989 йил, 11-сон. Бош муҳар-рир Худойберди Тўхтабоев) адади – 311 662 та, «Фан ва турмуш» жур-на-ли (1994 йил, 3-сон. Бош муҳар-рир Мурод Шарифўжаев) адади – 82 531 та, «Сирли олам» журна-ли (1992 йил, 3-4-сон. Бош муҳаррир Ҳожиакбар Шайхов) адади – 175 312 та, «Ўзбекистон адабиёти ва санъ-ати» газетаси (1994 йил, 51-52-сон. Бош муҳаррир Аҳмадхон Мели-боев) адади – 46 020 та, Жаббор Ра-зоқов муҳаррирлигидаги ёшлар га-зетаси адади – 513 500 та миқдорда (1990 йилда) чоп этилган. Яқшанба-дан ташқари ҳар куни чоп этила-диган Тошкент шаҳрининг машҳур «Тошкент оқшомы» газетаси бутун мамлакат бўйлаб тарқаларди.

Бироқ аста-секинлик билан га-зета ва журналлар адади пастга

шўнғиди. Оқибатда халқнинг ўқийдиган бирдан-бир маънавий бойлиги ўз-ўзидан таназзулга уч-рай бошлади. Айни замонда баъзи эллик йил нарида, Туркистон ўл-касидида пайдо бўлган (1870 йил) «Туркестанские ведомости» га-зетасининг (ўша даврдаги адади 1000-2500 та) даражасидан ҳам пастга тушиб кетди. Ахир га-зета-журналлар давлат сиёсати ва мафкурасини халққа етказадиган, миллий ғояни тарғиб қиладиган, ҳокимият ва халқ ўртасида маъна-вий кўприк вазифасини ўтайдиган минбар-ку! Чунки халқ матбуот орқали ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини, танқидларини баён қиладди.

Аслида ҳозир ҳам талай нашр-лар газетхонни қизиқтирадиган таҳлилий, мантқиқий, танқидий, тарихий, илмий, бадий мақола-ларга бой. Бироқ матбуот нашр-лар ўттиз олти миллионли халқ-нинг ўқирман қатлами орасига кириб боролмаяпти. Давлат идо-раларининг юқори лавозимларни эгаллаб ўтирган айрим раҳбарлар матбуот нашрларига бепарқ, бе-писанд қарамокда. Чунки улардан «ўқидингми?», «ўқимадингми?», деб сўрайдиган йўқ. Ачинарлиси, катта нуфузга эга бўлган мада-ний, маърифат, адабиёт, таълим, тиббиёт даргоҳлари, ҳокимликлар, партиялар, вазирликлар, қўмитал-лар, бошқармалар муассислиги-даги газеталарнинг тақдирини би-ла қизиқиши лозим бўлган мута-саддилар мутлақо бепарқ, Муассис бўлмиш хазинасидаги маблағнинг бир қисмини газета тарғиботи-га, обунасига йўналтирса, осмон узи-либ ерга тушмайди. Тўртта-бешта муассиси бор газета-журналлар кимдан нажот кутишни билмай қолган. Умуман олганда, муассис-лар керакми? Керак бўлса, нима учун уларда ўз маънавий мул-кига нисбатан эътибор йўқ? Қанча машаққатлар эвазига босмадан

Бундай ҳолатга келиб қолинишига сабаб нима? Маблағ етишмаслигимиз, маошлар-нинг камлигимиз, фойдага нисбатан харажат-нинг ортиб кетганлигимиз ёки эътиборсиз-ликми? Ижтимоий тармоқни, электрон га-зеталарни рўқач қилиб, газеталарни ҳеч ким ўқимай қўйди, дейиш нўноқ ошпазнинг баҳонасига ўх-шайди. Ичи масаллиққа тўла, моҳирлик билан дам-ланган ошни қидириб келиб ейдиган хўранда топил-гани каби, мазмундор, маънили газетани ҳам мушта-рий топиб олади.

чиққан газеталар ўз вақтида эгалар-ига етиб бормайди. Назорат йўқ. Кунора ёки ҳафтада бир чиқа-диган нашрлар қаерлардадир чанг бо-сиб, ойлаб ўз эгасини кутиб ётади. Журналлар ярим йилдан сўнг чиқа бошлайди...

Бундай ҳолатга келиб қолини-шига сабаб нима? Маблағ етиш-маслигимиз, маошларнинг кам-лигимиз, фойдага нисбатан хара-жатнинг ортиб кетганлигимиз ёки эътиборсизликми? Ижтимоий тармоқни, электрон газеталарни рўқач қилиб, газеталарни ҳеч ким ўқимай қўйди, дейиш нўноқ ошпазнинг баҳонасига ўхшайди. Ичи масаллиққа тўла, моҳирлик билан дамланган ошни қидириб келиб ейдиган хўранда топилгани каби, мазмундор, маънили газе-тани ҳам муштарий топиб олади.

Бир пайтлари пахта йигим-те-римми авжига кирган паллада «обуна мавсуми» бошланарди. Иш-чию хизматчилар, деҳқону чорва-дорлар, теримчилар, муаллимлар, қурувчилар, шифокорлар, тўқув-чию тикувчилар ўз ихтиёрлари билан бир эмас, бир нечта га-зета-журналларга обуна бўлишарди. Ҳатто бир журнал ёки газетага бир оилада икки киши обуна бўлган ҳо-дисалар ҳам бўлган.

Оммавий ахборот восита-лари чинакамига халқ мин-бари ҳисобланарди. Газет-хонларнинг хат-хабарлари, ижодларидан намуналар ёритиб туриларди. Уларга қалам ҳақи тўланарди. Назаримда, ҳокимият ва халқ орасидаги маънавий кўп-рик айни пайтда нураш арафасида турганга ўх-шайди. Агар у чиндан ҳам нураётган бўлса, уни қайта тиклаш қимматга тушади.

Ҳар йили шу пайтга ке-либ босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ва журналистларнинг юрагига гўлгула туша бошлайди. «Охири қандай яқун то-паркин?» деган ўй-хаёллар тинчлик бермайди уларга. Айтиш оғир бўлган гаплар кўнглидан кеча бошлайди: «Газетани ёпамизми?» «Хайрлашамизми?» «Тарқаламизми?»

Лекин умидворлик бундай сўз-ларни айтишга йўл бермайди. Ахир юзта, мингта, ўн мингта бўлса ҳам, гарчи миллионлар ичра мавжуд-лиги сезилмаса ҳам, газета чиқиб турибди-ку! Бу чиқиб ҳозирча ҳа-миша уйғоқ, умид учқунлари сўн-маган фидойий журналистларнинг кўнглига таскин бериб турибди. «БИРОҚ, ЭРТАГА НИМА БЎЛАДИ?» – буниси гумон...

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев матбуот ходимлари ва журналист-лар билан мулоқот қилган пайтда ёки тадбир, тан-таналарда учрашган чоғида уларнинг меҳнатини қадрла-шини, қўллаб-қувватлашини эслатиб ўтади. Дарҳақиқат, бугунги замонни журналисти-касус, матбуот нашрларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Га-зеталар мамлакатдаги бунёд-корликларни юзага чиқаришда, хатоларни ўнглашда, муаммо-

ларни бартараф этишда, халқ онгини оширишда, илм-фанга бўлган қизиқишини кучайти-ришда бирламчи куч ва син-майдиган ойна ҳисобланади. Газета ахлоқ, одоб ва оилавий муносабатларни изга солиш, келажак авлодни тарбиялаш, адабиёт, санъатни тушуниш, ҳунар ва касбни эгаллаш, янги ғоялар пайдо бўлишига ҳам са-бабчи бўлиб келмоқда.

Халқ – катта куч! Ғайрат қилса, тоғни талқон, чўлни бўстон қи-лади. Халқ – катта имкон! Ҳара-кат қилса, ҳар қандай муаммо ҳал бўлади! Халқ – чексиз идрок! У ақ-лини ишга солса, ҳаётда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бе-ради. Маърифат ўчоғи гуркирайди. Қадрият қаддини ростлайди. «Га-зеталар шарҳи» телеграм каналида Қозоғистон республикасининг Туркистон вилоятида нашр этила-диган «Жанубий Қозоғистон» га-зетасининг «PDF»и эълон қилинди. Қардошларимизнинг ўзбек ти-лида чоп этиладиган мазкур га-зетаси билан танишиш жараёнида аҳолини матбуот нашрига обуна қилиш бўйича қизгин жараён ке-таётганига шохид бўлдим. Қўшни-ларимиз бу ишни беҳудага қилма-ётганлар.

Бугун мустиқил юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзга-риш ва янгиланишлар ҳақида га-зеталаримиз ижодкорлари батаф-сил ёзишмоқда. Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарихга муҳрланмоқда. Бу ишни асосан матбуот вакил-лари амалга оширади. Жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалар жур-налистлар нигоҳидан четда қола-ётгани йўқ. Ҳар бир хатти-ҳаракат ипидан игнасиғача қоғозга туши-рилмоқда. Ёзилган нарсани бир кун-мас-бир кун халқ қўлига етиб бо-ради. Дунё халқлари орасида кўп-лаб илмий, адабий меросни ёзиб қолдирганлар бизнинг бобола-римиз ҳисобланади. Марка-зий Осиёда илк газета Тошкентда «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» номи билан чиққан. Ушбу га-зета-лар гарчи ўлкадаги мустиқлака тузум нашрлари бўлсада, улар ўз-бек публицистикасининг шаклла-нишига йўл очиб берган. Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғаффо-ров, Исҳоқхон Ибрагим, Маҳмудўжа Бехбудий ва бошқа зиёлиларнинг бу газетадаги чиқишлари нати-жасида Туркистон ўлкасида жаҳо-латга қарши кураш, омманни, ай-ниқас, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбия-лашга интилиш ҳаракатини куч-айтирди. Қарамлик пайтида пуч ғоялар, сиёсатлар тарғиб қилин-ган газеталарни жон-жаҳдимиз билан ўқидик. Энди нега ўз го-ларимиздан бебаҳра бўлиб юриши-миз керак?

Президентимизнинг «Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлаш-сак – Ватанмиз!» деган хитоби матбуотимиз учун ҳам дахлдор-дир. Келинг, азиз ҳамюртлар, ўзли-гимизга қайтайлик!

Буёқ олимлар, шоиру адиблари-мизнинг асарлар, шеърлари даст-лаб матбуотда эълон қилинганини ҳам унутмайлик.

Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон Ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоч Ткёншон Ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу,  
Сўйласин урхун хати,  
Кўхна тарих шодасида  
Битта маржон Ўзбегим!..

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу шеъри дастлаб матбуот юзини кўрган ва халқимиз уни ўз вақтида бир-бирига қўлма-қўл узатиб ўқиган. Нега энди биз ўқи-маслигимиз керак? Ёшларимиз орасидан ҳам ана шундай буюқ шахс-лар етишиб чиқишига ишончимиз комилми? Ундай бўлса, мат-буотимиз қайта оёққа туриши учун бирлашайлик! Ҳамжиҳат бўлайлик!

Ана холос...

Эшқобил ШУКУР

“Ласетти”га  
ЧИҚМАСМИШ...

Маънавий тадбирлар доирасида Шерободда юрганализмда учра-шув бошланганидан олдин бир муаммо чиқиб қолди.

Нима эмиш, Тошкентдан келган артистларнинг бири маши-нага чиқмаётган эмиш. Бу хонанданинг «обруйи»га «Ласетти» тўғри келмас экан. «Трабелезер»ми, «Прадо»ми бўлмаса, бу кўшиқчи хотин машинага ўтирмасмиш.

Вилоят маънавият ва маърифат марказининг раҳбари Наргиза

Раҳматуллаева нозкаш меҳмоннинг юзидан ўтолмай, не қиларини билмай хижолат бўлиб турарди. Бундай ноёб мошинлар чекка ту-манларда ҳадеганда топилмаётган.

Охири, кўп ҳаракатлар билан ўзидан бошқа биров танимайдиган бу хонандага «Малибу» топиб келишди. Шунда ҳам, мен чиқа-диган ма-шинага ҳеч ким ўтирмасин, деб кибр ва иддао билан зўрга чиқдилар.

У бу қилиги билан у санъат ва санъаткорлар қадрини ерга урган эди. Ҳолбуки, санъатини яхши бўлса, йиғинга эшак миниб борсанг ҳам, қадринг тушмайди.

Гофирдан Мирзо Улужбеккача



15-сентябрь — Шукур Бурхонов таваллуд топган кун

Гофир ("Бой ила хизматчи"), Одилбек ("Халисхон"), Олеко Дундич ("Олеко Дундич"), Жалолиддин ("Жалолиддин Мангуберди"), Собир Рахимов ("Генерал Рахимов"), Максимов ("Денгизчилар учун"), Хамлет ("Хамлет"), Ромео ("Ромео ва Жульетта"), Брут ("Юлий Цезарь"), Войницкий ("Ваня тоза"), Мирзо Улужбек ("Мирзо Улужбек"), Шох Эдип ("Шох Эдип"), Сулаймон ота ("Киймат қарз"), Қоработир ("Тоҳир ва Зухра"), шох Калон ("Илья Муромец"), Қаландаров ("Синчалак"), Мирзо Улужбек ("Улужбек юлдузи")...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Булар Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурхонов саҳнада ва фильмларда ижро этган ролларнинг айримлари. Мана шу ролларнинг ўзидек бу актёрнинг истеъдоди нақадар юксак, серқирра эканини яққол кўрсатади. Улар орасида оддий хизматкордан (Гофир) тортиб султонгача (Мирзо Улужбек), ошқ йиғитдан (Ромео) тортиб генерал (Собир Рахимов) элу юрт озодлиги йўлида оиласию ўзининг жонидан ҳам кечган фидойи саркардагача (Жалолиддин Мангуберди) бор. Яна бир жиҳати — Шукур Бурхонов саҳнада, экранда талқин қилган образлар турли миллат, турли давр вақиллари: миллатимиз бағрикенглиги, олижаноблиги, ростўлиғи, бирровнинг ҳақиқа, яъни омонатга хиёнат қилмаслиги каби фазилатларини ифода этган Сулаймон ота, ҳақиқат ва адолат учун, ота шаъни учун қурашган Дания шаҳзодаси Ҳамлет, қадимги Юнонистон вақили Брут, қадим рус эртақларидаги Калинин, антик давр адабиётининг йирик намоёниси Софокл яратган шох Эдип ва бошқалар.

ган Шукур Бурхонов қанақа қилиб чидади экан?! Актёр ҳар гал спектаклдаги бу ролни ижро этганда қанчалар руҳан эзилганини тасаввур қилиш мумкин. Қисқаси, Эдип ролни наинки Шукур Бурхонов ижодида, бутун ўзбек театр санъати тарихида ўчмас из қолдирди, актёрлик ижро маҳоратининг юксак намунаси бўлиб қолди, десак янглишмаймиз. Ўлмас Умарбековнинг "Қиймат қарз" асаридида Сулаймон ота образи Шукур Бурхоновнинг саҳнадаги охириги рол бўлди. Бу рол ҳақида юқорида қисман тўхталиб ўтдим. Шукур Бурхонов Худо берган санъаткор эди. У киши ҳеч қандай институтда ўқимаган. Ўзининг қизиқиши, ҳаракати, тинимсиз меҳнати, устозлар ўғити, энг асосийси, танлаган касбига садоқати туфайли шу даражада эришган. Мен бир неча йил "Ўзбекистон маданияти" газетаси таҳририятининг санъат бўлимида ишладим, асосан театр санъати билан шуғулланар эдим. Ана ўша йиллари Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри (ҳозирги Миллий театр) жамоаси билан яқин ижодий ҳамкорлик қилганман. Театр фаолияти, актёрлар ижоди билан анча қийнандан танишганман. Қайси актёр ёки қайси актриса қандай ишлайди, ролга қандай тайёргарлик кўради, ким спектакль бошланишидан қанча вақт олдин келади... Шунга ўхшаш ҳолатларни кузатганман. Шукур Бурхонов спектакль бошланишидан камида икки-уч соат олдин келар, ижро этиладиган ролни кийимини кийиб, саҳнани айланган юрар эди. Бу билан ўша образга кирарди. Бу пайтда ҳеч ким билан гаплашмас, ҳатто бировнинг саломига алик олмас эди.

Мана ижодга, саҳнага нисбатан масъулият, томошабинга ҳурмат! Ушбу сатрларни ёзганман, ҳозир айрим артистларнинг хатти-ҳаракатлари хаёлимда айланяпти. Улар бирон бир тадбирданми, телевидениеданми юғуриб келиб, апил-тапил кийиниб, саҳнага чиқиб кетишини айтиб беришган. Умуман, устоз санъаткорлар ўз ишига, ижро этаётган ролига, у катта-кичиклигидан қатъий назар, масъулият билан ёндашган. Бу жиҳатдан ҳам Шукур Бурхонов кўпчиликлари ўрнак эди. Ана шундай буюк истеъдод эгаси, улуг санъаткор, олижаноб, бағрикенг инсон билан бир неча марта қуришиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш насиб этганидан миннатдорман.

Шукур Бурхонов билан илк танишувимиз қизиқ бўлган. Мен Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика бўлимида (у пайтда журналистика филология факультетида бир бўлим эди) кечқурун ўқиб, кундузи "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати") газетаси таҳририятида мусахҳи бўлиб ишлардим. Таҳририят машҳур "Навоий, 30" биносида эди. Мусахҳиларга асосан масъул котиб раҳбарлик қиларди. Масъул котиб таниқли таржимон Миад Ҳақимов эди. У киши Москва давлат университетини битирган, асосан турк ёзувчилари асарларини, хусусан, турк сатирик адиби Азиз Несин асарларини таржима қилар эди. У киши сикрет чекарди. Қизиги шундаки, узун муштуғи бўлар, сикретни шу муштуқка қўйиб чекарди. Муштуқка сикрет қўйилганда сикретнинг тутайдиган учи узокда

турарди. Четдан қараганда ғалати кўринар эди. Миад ака сикрет тутуни ўзидан узокроқда бўлиши учун шундай қилганмикан, деб ўйлаб қоламан. У киши гапни чайналмай дангал, қисқа ва лўнда гапирар эди. Яна бир фазилати мажлисни ёқтирмасди. Бирон марта мажлис қилганини кўрмаганман. Аммо ишига пухта, масъулиятли эди. Бировга танбех берса ҳам, мақтаса ҳам икки-уч оғиз гап билан қифояланарди.

Шундай одамнинг қўлида иш бошлаганим учун тақдиримдан миннатдорман. Наби Рахимов, Мирзиёв Мирзоидов, Шукур Бурхонов, Низом Комилов, яна мен танимайдиган бир қанча инсонлар Миад аканинг олдида тез-тез келиб туришарди. Уларни кўриш, иложи бўлса суҳбатини эшитиш мен учун қизиқарли эди. Ахир Шукур Бурхонов ёки Наби Рахимов билан қўл бериб кўришиш, суҳбатини тинглаш ҳаммага ҳам насиб этавермасди-да. Бахтимга шундай машҳур меҳмонлар келганида Миад ака мени чақириб у-бу ишни буюрарди.

Одатдагидек масъул котиб чақириб қолди. Кирсам, Шукур Бурхонов ўтирибди. Салом-алиқдан кейин Миад ака қўлимга чойнакни тутқазди.

— Пастда чойхона бор, биласан-а, — деди. — Маҳмуд мўйловнинг чойхонаси. Ўша ердан бир чойнак аччиқ кўк чой дамлаб кел. "Навоий, 30"нинг ёнида машҳур лағмонхона бўларди. Маҳмуд ака деган одам бошлиғи эди, шекилли. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма Маҳмуд мўйловнинг чойхонаси, дерди. У ерда уйғурча чўзма лағмон қилишар, шу лағмондан ейиш учун шаҳарнинг турли томонларидан ҳўрандалар келарди (у пайтларда бундай лағмонхоналар кам бўлган).

— Ҳўп, — дедим-да, чойнакни олдим. Миад ака Шукур Бурхоновга мени мактаб қўйди. — Қўл-оёғи чаққон, меҳнаткаш бола. Шукур Бурхонов менга диққат билан разам солди. — Манга ўхшаган оғзи катта йиғит экан, — деди гулдиратган оғзида. — Келажакда катта одам бўлади. Омадингни берсин, йиғит. Мен раҳмат айтиб, Маҳмуд мўйловнинг чойхонасига югурдим.

...Шундан кейин яна бир неча марта кўрдим Шукур Бурхоновни. Юқорида айтганимдек, у киши Миад аканинг олдида келиб турарди-да.

Орадан йиллар ўтди. Бу орада мени мусахҳилқидан адабий ҳодим лавозимига ўтказишди. Санъат бўлимида иш бошладим. Шоир Ёнғин Мирзо бўлим мудири, шоир Отаёв ва мен адабий ҳодим эдик, Отаёв кино санъати билан, мен театр санъати билан шуғулланар эдим. Иш жараёнида театрлар жамоалари билан яқинлашиб кетдим. Айниқса, Ҳамза театри санъаткорлари билан қадрдонлашиб қолдим. Улар қаерга гастролга йўл олса, мен ҳам бирга борардим.

Театр жамоаси 1977 йил апрель ойида Москвага гастролга жўнади. Москвадаги "Малий" театр саҳнасида "Инқилоб тонги", "Қиймат қарз", "Келинлар кўзғолони", "Мен Чилига ишонаман" каби спектакллар намойиш этилди. Шу воқеанинг гувоҳи сифатида айтаманки, театримизнинг ҳар бир спектакли аншлаб бўлди. Бу совет замонида миллий театр учун катта воқеа эди. Гастроль бошланишидан олдин ва гастроль давомида ҳар кун материал жўнатиб турдим газетамга. У вақтларда ҳозирги техник имкониятлар қанча дейсиз! Ўйга хотинимга телефонда айтиб тураман, у ёзиб олиб, кейин машинкада кўчиради. Сўнгра таҳририятга элтиб беради.

Бир кун тушлиқда «Москва» меҳмонхонасининг ресторанига оқватлангани кирдик. Кимдир менга сизни Шукур ака чақирапти, деди. Қарасам уч-тўрт стол нарида Шукур Бурхонов ўтирибди, бир ўзи. Бордим, салом-алиқ қилдик. — Утир, — деди Шукур ака ёнидан жой кўрсатиб. — Ўлмас аканг (Ўлмас Умар-

Наби Рахимов, Мирзиёв Мирзоидов, Шукур Бурхонов, Низом Комилов, яна мен танимайдиган бир қанча инсонлар Миад аканинг олдида тез-тез келиб туришарди. Уларни кўриш, иложи бўлса суҳбатини эшитиш мен учун қизиқарли эди. Ахир Шукур Бурхонов ёки Наби Рахимов билан қўл бериб кўришиш, суҳбатини тинглаш ҳаммага ҳам насиб этавермасди-да. Бахтимга шундай машҳур меҳмонлар келганида Миад ака мени чақириб у-бу ишни буюрарди.

беков) телефон қилди. «Қиймат қарз» ҳақида ёзган экансан. Москванинг катта-катта олимпларининг гапини берибсан. Яхши ёзбисан. Ўлмас аканга маъқул бўпти. Раҳмат айтиди санга.

Бу гапдан хурсанд бўлдим. Ахир ёш муҳбирга Шукур Бурхоновдай улуг актёр, Ўлмас Умарбековдай ёзувчи ва драматург яхши фикр билдирса қувонмайдами? Шукур акага миннатдорлик билдириб, ўрнимдан турдим. — Қаёққа? — деди улуг актёр ўзига хос жарангдор овозда. — Шерикларимнинг олдида борай. Шукур ака қўлини силтади. — Утир, бирга оқватланамиз. Шерикларинг ўзлари оқватланаверсин, — деди. Ноилож ўтирдим. Албатта, Шукур Бурхоновдай буюк актёр билан бир столда ўтириш, бирга оқватланиш ҳар ким учун, айниқса, мен каби ёш муҳбир учун катта шараф. Аммо хижолат бўлдим, шерикларим гўё мени сурбетилик билан машҳур санъаткорнинг ёнига ўтириб олди, деб ўйлаётгандай туюлди. Шу ўйларимни сезгандай менга таскин берди Шукур ака: — Хижолат бўлма. Ҳамма билиб турибди ўзинг келмаганингни менинг ёнимга... Шукур Бурхон — народний артист! Ўзи чақирмас, ҳеч ким ўзича унинг олдида келмайди, тем более оқватга, — гулдурак овозда кулди.

Очиғи, тортиниб, ийманиб оқватландим. У кишининг салобати босди. Оқват еб бўлган, пул тўлаш учун чўнтагимни кавлаётган эдим, қўлимни ушлади. — Сан жим ўтир. Шукур Бурхонни пули таварук.

Ўша «таварук» пулга еган оқватим, гарчи унча татимаган бўлса-да, ҳаммининг ҳавасини келтиргани рост. Ўша гастроль юқори савидада ўтгани ҳам рости. Унинг якуни бўйича СССР маданият вазирлигида йиғилиш бўлди. Маданият вазир П.Демичев бошчилигида ўтган муҳокама-йиғилишда театримизнинг Москва гастролга юксак баҳоланди.

Гастроль якунлари бўйича "Правда" газетасида санъатшунослик доктори, машҳур театршунос К.Рудницкийнинг мақоласи эълон қилинди. Унда ҳам театримиз спектаклларининг режиссураси, актёрлар ижроси, декорацияси ҳақида ижобий фикрлар билдирилди. Москва гастролда намойиш қилинган "Инқилоб тонги" ("Бухоро") спектаклининг бир гуруҳ ижодкорларига ўша йили СССР Давлат мукофоти берилди.

Шу ўринда кичкина изох: Москва гастролга ўша пайтда театрининг бош режиссёри бўлиб ишлаган Баҳодир Йўлдошев раҳбарлик қилди. Ўша пайтда Б.Йўлдошев атига 32 ёшда эди.

Бугуннинг гапи

Биз яшайтган муҳит "китоб ўқимаслик касали"га чалиниб бўлди. Бунинг хавфи вабодан кам эмас. Вабони қайтариш учун мажбурий эмланиди, беморни мажбурият бўлса-да даволайдилар. Чунки ўлат бошқаларга юқмаслиги керак. Танадаги хасталикни дори-дармон билан бир амаллаб енгиш мумкин. Оллоҳнинг мадади билан тиббиёт беморнинг жонига ора киради. Бироқ китоб ўқимаслик касалига учираб, руҳий мажруҳликка йўлиққан авлоднинг қандай тузатмоқ мумкин?

КИТОБ ЎҚИМАСЛИК КАСАЛИ



Кўчқор НОРҚОБИЛ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ваҳима қилмаяпман, кўриб-билиб турганимни ёзганман. Ишонасизми, олий ўқув юртига ҳужжат топширган йиғитча ўн бир йил давомида битта ҳам бадий китоб ўқимаганини тан олди. Ижодий имтиҳонда қатнашаётган устозимиз, машҳур шоир қўлига китобни олиб кўрсатди: — Болам, мана шу китоб. Қара, шуни китоб дейдилар...

Ботинини не ўй кемиргани устознинг ўзига аён.

Ишонмайсиз-а? Ишонадиган гапмас бу, бироқ ўша йиғитча мен ва бир неча ҳамкасбим қаршисида ижодий имтиҳон пайтида тан олди: "Битта ҳам китоб ўқимаганман, энди ўқийман, ўқишга кирсам..." деди. Оёғим остидаги ер қаттиқ, бошимдаги осмон узок эди. Нима дейишмни билмай қолдим, бошим ғувиллади. Яна бир укамиз "Ўткан кунлар"ни Тоҳир Малик ёзган, деди. Қулоқларим тош битмади, хайрият.

Бири эса улуг шоиримизни таниқли актёр билан адаштирди, адаштирди эмас, "Ўзбегим" деган шох қасидани актёримиз Эркин Комилов ёзган, деди ишонч билан.

— Эркин Воҳидовни эшитганмисиз? — Йўқ, эшитмаган эканман...

Ишонмайсиз-а? Лекин биз бу шармандалиқнинг гувоҳи, айни пайтда ўзимиз ҳам шарманда эдик.

Имтиҳонда иштирок этаётган адиблардан бири навбатдаги абитуриент билан суҳбат асосида тоқати тоқ бўлди ва:

— Укажон, майли, бизга бештагина ўзбек ёзувчисини санаб беринг, — деди мунгайиб.

Ишонмайсиз. Лекин... Ҳалиги ёш авлодимиз вақили ҳеч бўлмаса беш ўзбек адибининг исмини айттолмади.

Шунда менинг хаёлимга "китоб ўқимаслик касали" деган тушунча чўқди.

Бу касаллик бугунги авлод орасида авж нуқтасига етганини Сиз ҳам сезаялсизми?

Ё, мен ваҳима қилаяпманми, а!!

Расул ҲАМЗАТОВ

Ҳикмат

Ўзликни англаш учун китоб керак. Ўзгани билиш учун ҳам китоб керак. Китобсиз халқ кўзи боғланган одамага ўхшайди — ҳеч нарсани кўра олмайди. Китобсиз халқ кўзгуси йўқ одамага ҳам ўхшайди — ҳеч қачон ўз қиёфасини ҳам кўра олмайди.

